


Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кун — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

пайшанба кунлари чиқади 1997 йил март

— ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ, БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ВА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ — Баҳоси эркин нарҳда



● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Қишлоқ ҳўжалигида ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштиришга оид тўб чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон бадий академияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Шарқ тараоналари» халқаро мусика фестивалини ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов АҚШдаги машҳур «Боинг» само-

лётсозлик компаниясининг тижорат самолётлари гуруҳи президенти Р. Вудларни қабул қилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири У. Султонов ҳам ана шу делегация аъзолари билан учрашди. «Боинг» компанияси делегацияси аъзолари Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам бўлишди.

● Асака шаҳрида барпо этилган яна бир Ўзбекистон-Корея қўшма қорхонаси — «Ўз-Донг Вон Ко» «Тико», «Нексия», «Дамас» автомобиллари учун товўш сўндиргичлар ва зарба қайтарувчи балкалар ишлаб чиқаришга ихтисослашгандир.

● Пойтахтимиздаги «Интер Континал» меҳмонхонасида биродарлашган шаҳарлар — Тошкент ва АҚШдаги Сизл шаҳри ўртасидаги иқтисодий ва маланий алоқаларни ривожлантириш мавзусига бағишланган ахборот-семинар бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси, Халқ таълими вазирлиги,

Ёзувчилар уюшмаси ўзаро ҳамкорликда «Ўзбекистон — Ватаним мағим» қўшиқ байрамига бағишлаб янги мусикий асарлар танловини ўтказди. Ўттизта энг яхши асар танлаб олиниб, қўшиқ байрамига тайёрлашга тавсия этилди.

● Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси мустақиллигимизнинг олти йиллигига бағишлаб «Истиқлол: янги давр, янги қаҳрамон» мавзусида курик-танлов эълон қилди.

● Ўзбекистон «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг Фарғона вилоят бўлими ва ижодкор ёшлар уюшмаси талаба ва укўвчи ёшлар ўртасида республика мустақиллигининг олти йиллигига бағишланган «Санъатимиз — олтин меросимиз» номли курик-танлов ўтказмоқда.

ЎзА ва республика матбуоти хабарлари асосида тайёрланди

РЕСПУБЛИКА ХОТИН-ҚИЗЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Республика хотин-қизларининг Тошкентда бўлиб ўтган биринчи конференциясида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 1991-1996 йиллардаги иш якуналари муҳокама қилинди. Анжуманда Ўзбекистоннинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан 200 делегат, шунингдек, мамлакат вазирликлари, идоралари ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этди.

Хотин-қизлар қўмитасининг фаолияти ислохотлар сисеатини амалга оширишга қаратилган, деб таъкидланди анжуманда, аҳоли турмуш даражасини ошириш бу сисеатнинг асосий мақсадидир. Хотин-қизлар ва болаларни, аynиқса, қишлоқ жойларда яшовчи кам таъминланган ва кўп болали оилаларни ижтимоий муҳофаза қилишни яхшилаш юзасидан катта ишлар амалга оширилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишга, ёш авлодни мустақиллик ғоялари ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга жиддий эътибор берилмоқда. Қўмиталар хотин-қизларни ишга жойлаштириш, янги иш жойлари барпо этиш билан шуғулланмоқда.

Анжуман иштирокчилари хотин-қизлар ташкилотлари иши самардорлигини янада оширишга доир чора-тадбирларни белгиладилар, муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилидилар.

Шу кунги Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг ташкилий пленуми бўлди, унда Д. Ғуломова қўмита раиси этиб сайланди.

Конференция ишида Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир У. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосарлари И. Жўрабеков, К. Обидов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси У. Раҳматов, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари А. Қосимов, Б. Шолиева, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.



**Диллар яйрар
ҳамал завқидан...**

ЭЛ ДАРДИ БИЛАН ЯШАЙЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ЎРИНБОСАРИ, РЕСПУБЛИКА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚҶМИТАСИ РАИСИ
Д. ҒУЛОМОВАНИНГ РЕСПУБЛИКА ХОТИН-ҚИЗЛАРИ БИРИНЧИ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАГИ МАЪРУЗАСИДАН

Республика хотин-қизлар кўмитасининг утган даврдаги фаолияти мобайнида бозор иқтисодиётига утиш жараёнида камтаъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг замонавий касблар бўйича ўқитиш ва касбга қайта тайёрлаш, хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш юзасидан аниқ-равшан ишлар амалга оширилди.

Маълумки, хотин-қизларнинг ижтимоий меҳнат фаолиятидаги иштирокини ривожлантирмасдан туриб, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш мумкин эмас. Бу соҳада хотин-қизларимиз учун жуда кўп ва қўлай шароитлар яратиб берилмоқда. Хотин-қизлар Ўзбекистон меҳнат ресурсларининг 45,1 фоиз қисмини ташкил этади. Аёлларнинг 3 миллион нафарга яқини, яъни 42 фоизи ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинган. Саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва алоқа соҳаларининг етакчи тармоқларида хотин-қизлар цехлар, участкалар, бўлимлар ва бошқа тузилмаларни бошқарадилар. 16300 дан ортиқ аёл илмий-тадқиқот муассасаларида ишлайди. Улардан 200 га яқини фан доктори, 2900 нафари фан номзоди, 2 нафари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, 9 нафари мухбир аъзосидир.

Хотин-қизларни иш билан таъминлашнинг ўзига хос хусусияти мавжуд. Бу ўзига хослик аёлларнинг серфарзандлиги, оила юмушларининг кўпчилиги, оилага сарфланадиган меҳнат вақтининг юқорилиги билан белгиланади. Шу сабабдан, жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари мутасадди ташкилотлар билан биргаликда аёлларга қўлай бўлган меҳнат шароитларини яратиш, шунингдек қишлоқларда саноатнинг ихчам тизимлари бўлиши кичик корхоналарни ташкил этиш устида иш олиб бормоқдалар.

Кўмиталаримизнинг асосий иш фаолиятларидан бири

оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳоли уртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оналар ва болалар улимининг олдини олиш ишларида мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишдир. Соғлиқни сақлаш муассасалари билан олиб борилган ишлар натижасида республикада оналар ва болалар улимини камайтиришга эришилди. Бу борада мен Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти Ўзбекистонда оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилаётган ишларга жуда катта баҳо берганини айтиб ўтмоқчиман. Ўзбекис-

лади.

Биз оилани режалаштириш масаласига ҳам эътиборни қаратмоғимиз даркор. Албатта, бу ерда туғишни чеклаш ҳақида эмас, балки туғиш ораллигини ўзайтириш ҳисобида соғлом ва дуркун болани дунёга келтириш, онанинг саломатлигини тиклаш ҳам назарда тутилмоқда. Афсуски, оилани режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, жиҳатлари туғрисида аҳолига берилаётган ахборотлар етарли эмас. Бу борадаги ишларни такомиллаштириш учун, аввало, ёшлар ва хотин-қизларимизнинг тиббий саводхонлигини ошириш бизнинг олдимизда

ларимиз тарбияси ва уларни ҳаётга тайёрлаш масаласига ҳам диққат-эътиборни қаратмоғимиз лозим. Чунки никоҳ олдида, оила олдида йигитнинг ҳам, қизнинг ҳам масъулияти тенгдир.

Умуман олганда, республикамизнинг барча даражадаги хотин-қизлар кўмиталари томонидан хотин-қизлар масалалари юзасидан собитқадам иш олиб борилди, анчагина ишлар бажарилди. Бизда маълум тажриба туپланди. Шундай иш йўналишлари, вазифалар кўзга ташланмоқдаки, улар хотин-қизлар фаолиятини янада ривожлантириш, уни илғор мамлакатлар-

молар бўйича маҳаллий тадбирларни ишлаб чиқиб, уларни амалга оширишлари лозим.

Биз асосий эътиборни ижтимоий соҳага қаратишимиз зарур. Бу масалаларни ҳал этишда жойлардаги халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият бошқармалари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириши керак.

— кўмиталаримиз ўзларининг таркибига сайланган зиёлилар ва турли кенгашлар депутатлари бўлиши опа-сингилларимизга таяниб иш олиб боришлари ҳозирги кун талабидир. Улар кўмиталарнинг хотин-қизлар масалалари юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқишлари ва жойларда ушбу масалалар юзасидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини назорат қилишлари зарур.

Президентимиз Ислам Абдуганиевич Каримов эълон қилган 1997 йил — Инсон манфаатлари йилида, биринчи навбатда, бизнинг манфаатларимиз кўзда тутилган. Фикримизнинг далили бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури туғрисида»ги қарори хизмат қилди. Ушбу давлат дастурига назар ташласангиз, ҳар бир оила, ҳар бир инсон ҳаёти ва фаровонлигини ошириш, давлат ёрдамига муҳтож оилалар ва кишиларга эътиборни кучайтириш, инсон ўз фикрини ифода этиши, фуқаролар истеъдод ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлодни ҳар томонлама уйғун камол топтириш, кекса авлод, пенсияонерлар туғрисидаги гам-хурликни кучайтириш ва шунга ўхшаш бошқа масалалар 1997 йилда амалга оширилиши кўзда тутилган.

Ана шу вазифаларни амалга ошириш хотин-қизлар кўмиталари фаолиятининг устувор йўналишларидан бўлиши лозим.



тонинг бу масалага бўлган ёндашуви бошқа мамлакатлар учун ҳам намуна бўлиши эътироф этилди. Лекин жамиятимиз манфаатларига мос келмайдиган оналар ва болалар улими, республикамиз ҳудудларида учраб турадиган қизларнинг балоғат ёшига етмасдан турмушга берилиши, қариндош-уруғлар уртасидаги никоҳлар сабабли ҳам юз бермоқда. Бунинг оқибатида республикамизнинг барча вилоятларида хотин-қизлар уртасида ногиронликнинг ўсиши кузатилмоқда. Бу борада кўмиталар ишларида жиддий камчиликлар бор, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Навоий, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари хотин-қизлар кўмиталарининг бу масалага жиддий ёндашушлари тақозо эти-

турган муҳим вазифалардан биридир.

Бугунги кунда кўмиталаримизнинг асосий иш йўналишларидан бири оила мустаҳкамлигини таъминлашдан иборатдир. Нима учун бу масалага нафақат маҳалла, хотин-қизлар кўмиталари эътибори, балки давлат диққат-эътибори қаратилган?

Бунга асосий сабаб — оилавий ажримларнинг мавжудлиги, ёшларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан турмушга тайёр эмаслиги, улардаги маънавий ва ахлоқий қусурлар, оилавий қадриятларга эътиборнинг сустлиги, турмуш тарзимизга ичкиликбозлик каби турли иллатларнинг кириб келишидир. Республикаимиз бўйича 1992 йилдан 1996 йилга қадар никоҳнинг бекор қилиниши 38,5 фоизга камайган. Бироқ олиб борилаётган ишлар ҳали ҳам биз кутган натижаларни бермаётир.

Хотин-қизлар кўмиталари ҳар бир оила ҳаёти билан қизиқишлари, унда фарзанд тарбияси қай йўсинда амалга оширилаётганлигини ўрганиб боришлари керак. Биз энг аввало онанинг бола тарбиясига бўлган масъулиятини оширишимиз зарур. Ишлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, биз кўпроқ қизлар тарбиясига эътиборни кучайтирмоқдамиз. Ваҳоланки, йигит-

даги хотин-қизлар ташкилотлари даражасига олиб чиқиш учун яхшигина асос бўлади.

Бу вазифалар қуйидагилардан иборат:

— хотин-қизлар кўмиталари жамиятда ўз обрў-эътиборларини янада мустаҳкамлаб олишлари, бу мақсадда, ишларнинг самарадорлигини оширишлари зарур деб ҳисоблаймиз;

— бошлангич хотин-қизлар кўмиталари жойлардаги опасингилларимизга яқин турадилар. Айнан шу ташкилотлар турли қатламларга мансуб хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза этиш, улар саломатлигини, оиласини мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, уларнинг маънавий маданиятини шакллантириш, ёшлар тарбиясини яхшилаш ва бошқа кўплаб етилган муам-



(Давоми, боши ўтган сонларда)

**ИСЛОМ ДИНИНИНГ
ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

Самовий динлар ҳақида гап кетганда ҳеч бўлмаганда қуйидаги ҳақиқатларни эслатиб ўтмоқ даркор:

1) Одам А. Сдан тортиб то Муҳаммад Мустафо С. А. В. гача эндирилган самовий динларнинг шариатлари, ибодат усуллари хилма-хил бўлса ҳам, аммо моҳияти битта — Ваҳдониятга, Тавҳидга, Ҳақ Таолонинг биру борлигига қурч ишончдан иборат бўлган. Бу хусусда Аллоҳнинг узи бандаларига қарата шундай хитоб қилади: «Эй инсонлар! (Сизларнинг миллатингиздинингиз ҳақиқатда бир диндир, яъни Исломдир). Мен эса (барчаларингизнинг Парвардигорингиздирман). Бас менгагина ибодат қилинлар!» (Анбиё сураси, 92-оят).

2) бинобарин, ўтган 124 минг нафар набию расулларнинг барча-барчаси мусулмон бўлишган ва умматларини Исломга даъват этишган. Уч йилдан буён Рамазон Шариф ойида республика телеэкранлари орқали на мойиш қилинаётган «Муҳаммадун Расулуллоҳ» филмини томоша қилган ва қилаётган бўлсангиз, бунга бевосита узингиз шохидсиз.

Каломуллоҳдан биргина мисол. Ийсо А. С. ва унга эргашган ҳаворий (яъни саҳоба)ларнинг мусулмонлиги тубдангача далилланади: «Қачонки Ийсо улар томонидан куфрни сезгач, деди: «Ким Аллоҳнинг динига даъват қилишмида менга мададор бўлур». Ҳаворийлар дедилар: «Биз Аллоҳ (дини)га ердан бергувчиларимиз. Аллоҳга иймон келтирдик. Гувоҳ бўлгилки, бизлар мусулмондирмиз» (Ол-и Имрон сураси, 52-оят).

Шунингдек, Нух, Иброҳим, Яъқуб, Юсуф, Сулаймон ва Мусо А. С. лар ва уларга эргашган қавмларнинг мусулмон бўлганлигини тасдиқловчи далиллар Қуръони Мубиннинг Юнус, Бақара, Юсуф, Намл каби сураларида ҳам баён этилган.

Лундаси, яқкаю ягона Аллоҳга сидқидилдан иймон келтирган, Унинг юборган пайгамбарларига эргашган жамики давру замонларнинг кишилари аслида мусулмон бўлишган. Бинобарин, диндорлик-илоҳий қудратга тобеллик инсоннинг фитрати билан боғлиқ бўлган азалий хислатидир. Одам фарзанди Тангрисиз яшай олмайди. Каломуллоҳда дарж этиб утилганидек, ҳатто динсиз кишилар ҳам Худосиз яшай олмайди, улар «уз ҳавойи нафсини узиға «илоҳ» қилиб олган» бўладилар (Жосия сураси, 23-оят).

3) бошқа пайгамбарлар ёлғиз айрим қавмларга, миллатларга юборилган бўлсалар, Сарвари Коинот Муҳаммад Мустафо С. А. В. бутун инсониятга юбориландилар. Қуръони Мажидда Ҳақ Субхонаҳу ва Таоло шундай марҳамат қилади: «Эй, Муҳаммад! Биз сизни, шак-шубҳасиз, барча одамларга хушхабар элтувчи, оғоҳлантувчи бўлган ҳолингизда пайгамбар қилиб юбордик» (Сабаъ сураси, 23-оят).

4) Муҳаммад Мустафо С. А. Вдан олдинги набию расулларга нозил қилинган Илоҳий Саҳифалару Китобларининг асл нусхалари уша пайгамбарлар вафотидан сунг, уларга эргаш-

ган қавмларнинг бепарволиги туфайли йўқолиб кетган ва ё кейинчалик гаразли мақсадларда узгартиб юборилган. Ҳозирда мавжуд қадимий диний матнларнинг ҳаммаси бир-биридан фаркланади ва баъзан ҳатто бир-бирини инкор қилади.

Масалан, Инжилни олиб курайлик. Изник шаҳрида тупланган бир ҳайъат узоқ вақт тадқиқот олиб бориш натижасида уша замонда қўлдан қўлга утиб юрган инжиллардан 396 тасини ўқишни батамом қатагон қилган. Қатагон қилинган инжиллардан биттаси ҳақида алоҳида тўхталиб, уни ўқиган кимса қаттиқ жазоланиши уқтирилган. Мелодий 492 йилда папа Жаласюс 1 томонидан ҳам ўқилиши таъқиқланган бу Инжил ҳаворийларнинг энг эски талабаларидан бири Барнаба қаламига мансубдир. Ҳозирда бор-йўғи икки нусхада сақланиб қолган бу матнда асос-эътибори билан инжилларда учрамайдиган ҳақиқий

эканликлари Одам А. С. замонларидан маълум ва машҳур эди.

5) дарвоқе, Инжил номи асли латинча «эвангелос» («эвангелион») сўзидан арабчалаштириб олинган бўлиб, хушхабар деган маънони англатади. Хуш, ниманинг хушхабари? Кундек равшанки, бу — Ҳотамул анбиё—сунгги пайгамбар Муҳаммадун Расулуллоҳ С. А. В.нинг тарих майдонига чиқиши ҳақидаги хушхабардан узга нарса эмас.

6) Қуръони Азимуш Шайън Муҳаммад Мустафо С. А. В.нинг Аллоҳи Таоло қудрати билан бизларга қолдириб кетган энг улугъ муъжизаларидир. Илгариги барча пайгамбарларнинг муъжизалари уз даврларида бўлиб ўтиб кетди, улардан бирортаси ҳам боқий қолмади. Аммо Сарвари Коинотнинг муъжизалари бўлмиш Қуръони Мажид рузи Қиёматгача боқий қолажак.

Нега дейсизми? Шунинг учунки:

а) Қуръони Каримда ундан олдин

ИЙМОН ҲАҚИҚАТИ

илоҳий хабарнинг бир парчаси мавжудлиги учун масиҳий (христиан) руҳонийларининг газабига дучор бўлган.

Барнаба Инжилида Ҳазрат Ийсо А. С. узларидан кейин келадиган пайгамбар ҳақида ҳаворийларга шундай деганлар: «Сизга айтаяпман, Аллоҳнинг Расули бутун маҳлуқотга раҳматдир. У фаросатли, зукко ва тасалли берувчи, ҳикматли ва қудратли, қалби Аллоҳга бўлган ишқ ва қурқув билан тула, дақиқ ва юмшоқ руҳдир. У раҳмат ва ердამсеварлик руҳи, адолат ва ачиниш ҳисси билан ҳаракат қилади. Жаноби Ҳақ бутун маҳлуқотга берганининг уч баробарини унга берган. У бу дунёга келган давр Саодат давридир. Бунга ишонинг. Мен уни Аллоҳнинг пайгамбарларига берган нубуват қузи билан қўрдим. Ва уни қўришим билан руҳим таскин топди. «Эй (Аллоҳнинг Расули) Муҳаммад, Аллоҳ сен билан бирга бўлсин ва мени сенинг оёқ кийимининг боғи бўлиш шарафига муюясар қилсин. Агар мен бу муродимга эришсам, Аллоҳнинг энг муборак бир қули ва буюк пайгамбари бўламан». Ва Ҳазрат Ийсо Алайҳис Салом шу сўзларни айтиб бўлиб, Аллоҳга шукр этди» (Барнаба Инжили, 96-фасл, 8-жумла). Айни асарнинг 163-фасли 7-жумласида Ийсо А. С. Сарвари Коинотнинг (яъни суюқли Пайгамбаримиз)нинг қай маконда дунёга келишларини башорат қилиб: «Ҳазрат Муҳаммад (С. А. В.) Араб даштида зухур этади. Бутларнинг ва бутпарастларнинг таъзирини беради», — дедилар.

Уламоларнинг аниқлашича, Сарвари Коинотнинг дунёга келишлари хусусидаги бунга ўхшаш илоҳий хабар-башоратлар Илоҳий Китоблар—Таврот, Забурда, шунингдек, қадимги эрон ва ҳинд муқаддас матнларида ҳам анчагина учрайди. Жаноби Пайгамбаримизнинг узлари ҳам Ҳадисларидан бирида шундай марҳамат қиладилар: «Менинг исмим Қуръонда Муҳаммад, Инжилда Аҳмад, Тавротда Аҳаддир». Ҳазрати Муҳаммад Мустафо С. А. В. Аллоҳнинг пайгамбари

нозил бўлган барча Илоҳий Саҳифалар ҳамда Китоблар мазмунини тула-туқис мужассам топгандир;

б) Қуръони Мубинда Тавҳид, ибодат, итоат, ахлоқ-одоб, эҳсон борасида бу дуненинг интихосигача асқотадиган диний аҳкомлар ва инсон ҳаётининг турли соҳаларига оид панду насиҳатлар ҳам қилинган бемисл дастуриламалдир.

в) Қуръони Азимуш Шайънда то Қиёмат барқарор бўладиган доимий шариат жамол қўрсатди. Шу билан ундан олдин амалда бўлган жамики бошқа шариатлар бекор қилинди. Индаллоси, Қуръони Мажид икки дунё саодатини уз ичига қамраб оладиган ва ҳар бир замоннинг талабларига тулиқ жавоб берадиган муқаддас бир Китобдир.

7) Қуръони Каримнинг илоҳийлиги, демакки, муъжизавийлиги шунда яққол намоёнки, биринчидан, у гирт саводсиз ва оми, умри буйи мактаб қурмаган, аммо Худойи Таолонинг бандалари орасидан танлаб олгани ута пок, ҳалол, шарм-ҳасли, муравватли, саховатпеша, сабру қаноатли, камсуқум ва кироий камтарин зотга ваҳий орқали оятма-оят 23 йил давомида нозил этилди. Жаноби Пайгамбаримиз хос бандаларгагина Аллоҳ томонидан ато этиладиган ладуний билим соҳиби тарзида тарих саҳнасига чиқдилар.

Олам ва одамнинг яратилиши, тузилиши, табиати ва истиқболи ҳақида бу Илоҳий Китобда уртага ташланган бағоят мураккаб масалалардан ва

шахсан пайгамбарларимиз ва на бошдан оғидан жаҳолат ботқоғига ботиб умр кечириётган, илму фандан батамом бсхабар уша даврдаги араб қабилалари воқиф эди.

Иккинчидан, илму фаннинг тараққий этиши билан Қуръони Азимуш Шайън замирида яшириниб ётган шу вақтгача биз билмаган муъжизалар бирин-кетин ифшо бўлмоқда ва то Қиёматгача шу зайлда давом этаверадди.

Масалан, ҳозирги пайтгача турли фан соҳаларида муаммо тарзида уртага қуйиб келинган 160 га яқин масала Қуръони Мубинда аллақачоноқ илмий баён этиб берилгани олим уламолар томонидан аниқланди. Бирикки мисолга мурожаат этамиз. Даставвало ҳомилашунослик соҳасини олиб курайлик. Инсон ҳомиласи устида узи олиб борган тадқиқот натижаларининг ҳайратга тушиб иймон келтириб мусулмон фикрларга мос тушганидан ҳайратга тушиб, Қуръон ва Ҳадиси Шарифларда баён этилган фикрларга мос тушганидан ҳайратга тушиб иймон келтириб мусулмон бўлган америкалик олим Кейс Мур узининг «Қуръон ва ҳадисда инсон зурриёти борасидаги муъжизалар» деган китобида жумладан шундай дейди: «... инсон зурриётининг она бачадонида даврий тарзда ривожланиши бир фикр сифатида 1942 йили уртага чиқди, бугунги кунга келиб тан олинаётган охириги исботлар фақат 1974 йилдагина қўпчилик томонидан қабул қилинди. Қуръон ва Ҳадислар ҳомила уч қоронғу бўлимда ривожланишини очик баён этади. Бу маълумот ҳомилашуносликнинг охириги маълумотларига тамоман мос келади».

Доктор Мур муъжиза деб атаган бошқа исботлар ҳақида Имом Муслим Расулуллоҳ марҳамат қилиб айтган Ҳадисга суяниб, унинг мазмунини айнаан келтиради: «Нутфа майдонга келгач, 42 кундан кейин Аллоҳ Таоло унга бир фариштани жўнатади, нутфага фетъ-хуй беради, туйғуларини (қуз, қулоқ, сингари) жойлаштиради, этини, суягини яратади ва фаришта: «Аллоҳим, бу эркакми, ургочи? дея сурайди». 1400 йилдан кейин фарқиға борилган бу ҳодисанинг бутун иқир-чикиригача, қуни, соатигача зикр этилиши муъжизадан бошқа яна нима бўлиши мумкин!»

(Давоми бор)

Миён Содиқ РАББОНИЙ.



— Сизнинг фикрларингизни ҳоётда қолоқ ва носоглом, ука! Икки дунёда ҳам амалга ошмайдиган гапларни гапиряпсиз!

— «Икки дунёда ҳам» — дедингиз... Демак, у дунё борлигига ишонаркансиз-да, опа?

— Албатта-да. Ноумид шайтон деганлар.

— Ҳа, балли! Нега унда у дунё неъматлари учун ғам емасиз?

— Бу дунёни ҳам гуссада утказадиган аҳмоқ эмасман-да...

Бу баҳслар билмадим, қайси замонларда зиёлинома, эркин куринмайди. Момоларининг етти ухлаб тушига кирмаган урфда кийинган сатанг аёл билан буйинбоғли зиёлинома эркекнинг тикилинч автобусда бошланган гурунглари йуловчиларнинг диққатини жалб этган, уларни яраштириб, баҳса чек қўйи деган савобталаб инсон анқонинг уруги эди. Аёл гарчанд ҳар жумласида худони тизга олаётган бўлса-да, гап оҳангларига ҳаё пардаси бегона эди.

— Нима, дунё лаззатларини сиз эркекларигагина чиқарганми, фақат?! Сигарет чеккан ҳам сизлар, ароқ ичган ҳам, уч-турталаб аёл билан...! Аёллар сал қўлиб гапирса, беҳаддан олиб, беҳаёга соласизлар!

Эркек анчагина мағлуб бўлиб «चेкинган», суккута қўмиб қолган, аммо унинг ғазабноқ ҳамсухбатчи ҳали-вери ҳовуридан тушай демасди. У барчага мавҳум бўлган утмишидан ҳикоя бошлади:

— Хужайиним улгур ута рашкчи эди. Куйдирти чиққурининг рашки туфайли, тиббиёт институтининг дипломини сандиқнинг турига ташлаб қўйиб, хо-наки бўлиб қолдим. Аммо у баттар ҳаддидан ошиб, бузуқ йулларга юра бошлади. Уч-турт кун қишлоққа, онамларникига меҳмонга бориб қайтсам, гирт маст ҳоҳда аллақандай мегажин билан тушагимда ухлаб етган экан. Дод, деб қайнонамга бордим. У авлашти ҳам юпатиш урнига «эринг йўғида сен ҳам жазманингни йиғишта олиб кел, мен унга ургатиб қўйибманми», деб чақиб олди. Шунда ҳам ҳеч нарса демасдан чидадим. Аммо... барибир бўлмади. Ажралишиб кетдик. Энди уйлаб қури-

ни! Уч гудегимни қандай қилиб едириб-ичираман?

Анчадан бери миқ этмай келатган суҳбатдоши наст овозда «маслаҳат» берди:

— Олижаноб бир эр топи-гунча сабр қилин!

— Эҳ, галча экансиз-да, узиям. Энди яна бир қаланги алқашнинг сассиқ пайтавасини ювиб, қолган умримни елга со-вурайми? Узи ростакмига нон емас авлиё экансиз. Тузукрок одам булганингизда тикилинч автобусда «оталар сузи» қилмасдан, шахсий машинангизда юрардингиз...

— Куп валдираманг, нафасингиздан бутун автобус сасиб кетди! — деди эркек ҳам буш келмай.

Йуловчилар зиёлинома эркекнинг теша тагмаган «таш-беҳ»идан бараварига қўлиб юбо-ришди. Аёл эса бургут-ники сингари ут-кир тир-

лоннинг ғазоби оловлашиб жон-жаҳди билан узини симтурга урди. Қалин териси шикаст еб, қонади. Бирок, эркек қулон бунга парво қилмас, узининг «жуф-ти ҳалоли»ни тасвирга туши-раётган операторнинг адабини бергиси келар, минг афсуски, мустаҳкам қафас бунга ҳалал берарди. Маҳлуқ оғзидан қўшиқ сачраб пишқириб, туёғи билан ер тирнаб симтурга узини урарди.

— Худо бунга рашкнинг зу-ридан берган, — дея изоҳлайди ҳайвонот боғининг раҳбари. — Ҳайронман, қуриниши эшакка жуда ухшайди-ю, рашки одам-никидан ҳам кучли. Қайси вақт бир алқаш шериклари билан куп нарсадан гаров уйнаб, кайф устида ургочи қулоннинг қафа-сига кирибди. У пайтлар эркеги

қаранг, шуни билмас экан-ман-да, булмаса Полшага кетгандирда, улиб кет-майди! — дейди ҳижо-лат чекиб. — Унинг борида йўғи, тугрисини айтсам. Қайси кун раис туй қилганли. Тонготар соат бешда ансамбл-нинг йигитлари судраб олиб ке-лишди. Таранг ичиб олиб роса тушолон қилибди. Раис бобони-нғ юзига қарай олмайдиған бу-либ қолдим-да!

Анқоввадаюс эркекнинг қу-ларига боқиб, кунглим бузил-ди. Нигоҳлари ута сулгин, туге яшап жонига тегиб, қассобни-нғ йўлларига илҳақ боқатган ҳукизнинг қуларига ухшап эди. «Худойим, ёввойи қулон раш-киннинг ярмини бунга ҳам раво қургандими», деган ҳаёл утди кунглимдан.

АДОКСИЗ ТОРТИШУВ ЁКИ ЖАННАТИЙ РАШК ҲАКИДА

билан ур-

ноқлари билан ҳужум қилмоқ-қа ҳезланди. Агар оқсоч қайдов-чи иккаласини ҳам салондан тушириб юбормаганида, барча-нинг ёдида қоладиган кунтил-сизлик содир бўлиши мумкин эди.

Аммо ёдда урнашиб қолиши учун мана шу ёқимсиз ва аччиқ суҳбатнинг узи ҳам кифоя қиларди. Узимча уларнинг тусат-дан ёвлашиб қолиши сабабларини таҳлил қилишга уриндим. Ҳалиги эркекнинг негадир файласуфлиги тутиб, рашкчи эркекларнинг ниҳоятда ка-майиб бораётганлигидан қайғу-риб, енидаги йуловчиға маъру-за ўқий бошлади. Бу ҳол саташ хотинга маъқул келмади шекил-ли, уларнинг суҳбатига беих-тиер «илҳоми жушиб» суқила қолди.

Иттифоқо бир кун Термиз ҳайвонот боғида қурган манза-рам яна уша баҳсни хотирамга солди. Маҳаллий телевидение тасвирчиси яқинда болалаган ургочи қулонни тасвирга олиш учун қафасга яқин келди. Шун-да қўшни қафасдаги эркек қу-

гочи қулоннинг уртасида темир тусиқ йўқ эди. Хуллас, эркек қулон ҳалиги гаровхўрни ёнаси танимайдиган қилиб ташлади. Базур ажратиб, «тез ёрдам»га солиб юбордик. Реанимацияда роса 20 кун чалажон ҳолда ётиб, П-гуруҳ ногирони бўлиб қолди. Бу гапдан ҳайратим ошиб, ҳамон жуфтини қизғониб, «ра-шк оловида қуяётган» қулонга боқаман. Турки таровати эшак-ка жуда ухшайди-ю, фақат оёқ-лари узунроқ ва ўзи ута қаққон. Ҳа, яна энг асосий фарқи... Гуп-ти ҳалоқ эмиш. Яна ким билади. Одамники сингари рашки са-баб, Яратган эгам бу ноёб жо-ниворга эшакдан юксак мақом бергандир. Алҳазарким, фикри ожимизча, бу жонивор қула-римга инсонликка нолойиқ баъзи одамлардан ҳам муъта-бар қуришиб кетди...

— Нега ёлғиз утирибсиз? — сурайман Термиз Дав-лат университети охи-рғи курсида сиртдан ўқийди-ган 45 ёшлардаги яқин тани-шимдан.

— Янгангиз Туркияга саё-хатта кетди, — дейди икки еспли фарзандини овқатлан-тираётган домла бепарво-гина.

— Утган йили ҳам бор-дилар, шекилли?

— Йўқ! — дея бош чайқаб жавоб қайтаради беш минути кам олий маълумотли устоз. —

Утган йили ду-гоналари билан Турцияга борган-ди, ҳозир Туркия-да юрибди.

— Домла, ик-каласи битта мамлакатнинг номи, «Тур-ция» — урисча-си-ку!

— Ис, буни

— Гузал ҳамшира аёл билан муносабатларимиз анча яхши эди, — дея ҳикоя қилади бир шоир дўстим. — Аёл тинимсиз ишхонамга телефон қи-либ, мени суҳбатга таклиф қи-ларди. Гоҳо кун қисқа пайтлар-да уни ишхонасидан уйигача қузатиб қўярдим. Йўл анча олис эди. Биз унинг уйигача хиебон-лардан, чала қурилишлар қур-шовадаги кимсасиз, қоронғу жин қучалардан суҳбатлашиб борардик. Аёлнинг мен билан сирдош бўлгиси келар, атайлаб секин одимлар, баъзан хилват жойларда ошиқ-машгуллар учун қурилган уриндиқларга утириб, дам олишга таклиф қи-ларди. Менинг ҳам эҳтиросдан заиф юратим гурс-турс урар, шайтоннинг тузоғи томон илон авраган қуендек ҳаяжондан дир-дираб қадам ташлардим. Ҳат-то, ҳамроҳимнинг буюртмаси-га қўра, «изҳори дил» мавзусида шеърлар ҳам ёзиб берардим.

Қўшни ишхонадаги сирдо-шимга айланган аёлнинг эҳти-росли тузоғига тушмаслик чо-раларини қуриш ҳаёлимдан олислаб кетди. Тугриса, юра-гимнинг томига шайтони лаъин зафар тигини қадашга тараддуд қўра бошлаганди. Худоба минг шукурки, уша гузал аёлнинг но-донлиги боис мен шайтонни мағлуб этдим. Унинг таклифи-га бипоан уйига борадиган ва ҳафталаб, ун беш кунлаб уни ёлғиз ташлаб командировкага кетиб қоладиган ношуд эри би-лан танишпадиган бўлдим. Йўл-йўлакай аёл менга «қишлоқда-

ги тоғасининг ўғли» эканлигини уқтирди.

— Мен буни атай қилипман, чўчки у сизни «хотинимнинг яқин қариндоши» деб уйласа, рашк қилмайди. Кейин эрим йўқ пайтлари бемалол уйда меҳ-мон булавасиз, — деди у.

Шартта қўра мен унинг уйи-да, эрининг олдида «тоғасини-нғ ўғли» ролини уйнадим. Тани-шимнинг эри анча дилқаш, олижаноб йигит экан. Бир-би-ридан ширин уғилчаси ва қиз-часи оталарига қўйиб қўйган-дек жула-жула ухшаркан. Биз у билан ҳовилидаги сурида онг ус-тида тун ярмигача суҳбатлашиб утирдик. Очиғи, мудроқ бостан вужудим уйғониб, исен қўтара бошлаган, ич-ичимда аёл би-лан танишган кунимга лаънат-лар уқирдим. Эргалаб нонуш-тадан сунг хонадон соҳиби мен билан илиқ хайрлашаётиб, «қа-рийдон экансиз, тез-тез келиб туринг», деб қолди. Ростини айт-сам, катта қўчада уласи қилиб калтакланганимда ҳам вужудим уятдан бунчалар ёнмаган бў-ларди. Дунёда энг катта гуноҳ-лардан бири ҳам эркек киши-нинг тузини еб, қузиға чўп таш-лаш бўлса керак. Балки, бено-мус одамларга бу туйғу қуллиги туюлар, лекин мен ана шу ҳи-кматни англаб етдим ва аёлдан бутунлай ўзоқлашиб кетдим. Ху-до бир асради!...

Саккиз марта турмуш қуриб ҳам эрга ёлчимаган, еш авлодга Алпомишларнинг «динозавр-лар сингари ёппасига қирилиб кетгани» ҳақида сабоқ бериб оқара бошлаган соҳларини тез-тез бўяб юрвчи урта яшар бир олима эркеклардаги «рашк» туйғусига «феодализм саркити» дея ном қўйганди. Лекин...

Бу фикр хато эканлигини кекса спортчиға «иккинчи хо-тин» бўлиб турмушга чиққач, амалда исботлади. Кам қури-нип бераётган саккизинчи (бал-ки санокда алашаётгандирман — Б. О.) «Алпомиш»ини қундо-шдан қизғониб, сал булмаса ҳаётига зомин бўлаёзиди. 3-қа-ватининг зинасидан итариб юбо-риб, «тилаб олган» эрининг бир оёғини синдириб қўйди. Шу та-риқа қўшиқчи айтганидек, «сев-гилари тамом бўлди». Аммо...

Ҳали-вери автобусдаги зиёли-нома эркек ва шаддод хотинни-нғ бошлаган баҳслари тамом бўлмапти. Автобус босиб ута-диган масофа ҳам жуда катта. Нафсламбрини айтганда, бу йўлнинг поёни йўққа ухшайди...

Бахтиёр ОЛЛОМУРОД,
Сурхондарё вилояти



— Қирда бойчечак очилибди-и-и...

БУМЕРАНГНИНГ ВАТАНИ ГОЛЛАНДИЯ

Археологлар анча вақтлардан бери бумеранг (ёйга ўхшаш шакл-даги қурул, у яна иргитилган жойига эгасининг қўлига қайтиб келиш хусусиятига эга)нинг ватани Австралия эканидан гумон-сираб юришган эди. Ахир шу шаклдаги қурулни нафақат австра-лиялик аборигенлар, балки Миср ва Месопотамияда ҳам ишла-тишган. Яқинда Голландияда олиб бориладан қазини ишлари пайтида дубдан ясалган бумеранг топилди. Текшириб кўриладиганда, унинг ёши 2250-2420 йилга тенгдиги маълум бўлди.

— Ис, буни

БУ ЙҲЛЛАР КҮП ҚАДИМ ЙҲЛЛАРДИР

Утган қорли — ёмғирли кунларнинг бириди ишдан уйга қайтаётган эдим. Чинобод санаторийсининг нақ рунасиёга етганимда, машинам дахшатли силкиниб, унг енга қийшайди-да, бир нарса қарс этиб кетди. Хушим бопимдан учай деб, хиргойини ҳам чурт белидан узиб, сакраб тушдим. Не кўз билан курайки, машинанинг олд гилдираги асфалт йулнинг унг томонидаги чуқурлиги нақ ярим аршиндан зиед келадиган, кулмак бўлиб, билинмай турган хандакқа тушиб қолган эди. Мудҳиш қарсиллаш эса зарбдан рол тортичи-тяганинг узилиб кетгани оқибатида эптитилган экан. Орадан бир неча кун ўтди. Бу гал ишдан яев ҳолда, ҳаёл сурганимча уйга қайтаётган эдим. Айнан бояги машъум жойда чуқуриб кетган иккита енгил машинага кўзим тушди. Томошаталиб оломон сафига беихтиёр камина ҳам қушилганини билмай қолди. Аён бўлишича, шаҳар томонга каттароқ тезлик билан йўналаётган «Жигули» машинаси ҳайдовчиси кўзи ногоҳ бояги беҳосият чуқурчага тушиб, рулни кўкқисдан чапта туриб юборган, унга изма-из ҳаракатланиб, қувиб ўтишга чиққан «Нексия» эса унинг устига ириб кетишига бир баҳа қолган. Булган воқеа шу. Ҳайрият, ҳодиса қурбонсиз якунланибди. Аммо шу иккала воқеадан кейин менга ҳақли ра-

вишда бир нарса ҳадо алам қилиб кетди. Ахир бечора ҳайдовчилардан машина олди-сотдиси маҳалида машина қийматининг маълум фоизи миқдорида йўл солиғи олинади. 1993 йилда машинамини расмийлаштириш маҳалида мен ҳам кўртлек қилиб, 40000 сумни санаб тоширганман (квитанцияси сақланиб турибди). Мол аччиғи — жон аччиғи деганларидек, ДАН маъмурларидан бу солиқ моҳиятини сўраганимда «Автомобил йўлларининг қурилиши, таъмирланиши ва тазаланиши учун» деган жавобни олган эдим. Ёнди муҳтарам ўқувчи, узингиз ҳолисона баҳо беринг. Ҳар йили давлатимиз миқсидида неча ўн минглаб енгил машина олди-сотди қилинади, улардан тушган солиққа, мени кечирасиз-у, гариб йўлларимизни тайёрагоҳ майдонидек қилиб юборса булур эди. Ҳозир эса назаримда «Бу йўлнинг эгаси ким?» деб суровчи мард топилмаётти, шекилли.

Обид Зокиров кўчасининг айнаи Абразив заводи ёнидаги қайрилма йўли (9-автобус йўналиши бўйича) қил-қизил стимчага ўхшайди. Бояқиш, энг замонавий «Мерседес» автобуси ҳам бу унқир-чўнқирдан ўтар экан, бамисоли довулда қолган қайиқдек чайқалади, бир кунда у бор ўтишга мажбур бўлган йўловчи нақ дентиз қасалига чалиниб қолиши ҳеч гап эмас.

Уч ой аввал Абразив заводи ёнидаги 9-автобус қайрилма йўлини таъмирлаётганларга кўзим тушиб беҳал шодланган эдим. Аммо яқинроқ бордим-у, ҳафсалам пир бўлиб кетди. Сабаби, таъмирловчилар бевосита лой-балчиқли эски йўл устига ҳовури чиқиб турган асфалтнинг ётқишаётган эди. Хаскапсимон матоҳини эринибгина тортаётган муҳтарам зотнинг ёнига бориб секин гап қотдим:

— Оғайни, ахир тинини даволаётганда ҳам эски кир-чирларни қиртишлаб олиб бўлиб, кейин плomba қуйишади. Лой ва сувнинг устига ётқишаётган асфалтларинг юлдуз кўрмай кучиб кетмайдими?

— Бирваракайига ҳамма йўлни «заводской» қилсак, бизга нон қолармиди, бра-типка, — деди у галстугимга ситир қараш қилиб. Дарҳақиқат, орадан бир ой ҳам ўтмай, ҳалиги асфалтдан асра ҳам қолмади.

Айтишларига қараганда, ри-

Мавзуга қайтиб

вожланган хориж давлатларининг йўларида ёмғирдан кейин бирорта ҳам кулмакча қолмас экан. Бизда-чи, баъзан унқир-чўнқирларда сакрашни, еҳуд Ҳалқобларда белигача сувга ботиб сузишни мапқ қилётган бояқини машиналарга тез-тез кўзимиз тушади.

Ҳолисона айтадиган бўлсак, мазкур таъна-маломатлар ҳамма йўлларимизга ҳам тааллуқли эмас. Марказий йўлар, шох кучалар, автомагистраллар давр талабига мослашиб бораётти. Аммо айрим «утай» йўллар тақдирига бефарқ қаролмаймиз... Йўллар тақдири — бизнинг тақдиримиз. Истаймизми, истаймизми елдири умиримизнинг маълум бир қисми уларда кечди.

Алижон ФАҚИРОВ



Қизлар, сизга гапим бор

ОТАГА ИТОАТЛИ БЎЛИНГ

Оламда ган кўп

АСР ҚАЛЛОБЛИГИ

Америкалик олим Ренэ «NASA обманула Америку» номли китоб ёзди. Унда АКШ астронавтиларининг 1969 йил июлда Ойга кўнгани асида ЦРУ ва NASA нинг қаллоблиги экани ёзилган. Ренэ «Америка на пороге» номли китобдаги Ойда олинган суратларни синчиклаб ўрганиб, астронавтиларнинг Ойда бўлмаганини, Ой билан боғлиқ барча суратлар махфий студияда олинган бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. «Русларнинг - Гагариннинг биринчи бўлиб космосга парвоз қилиши ва Леониднинг очиқ космосга чиқиши Америкада маълумият сифатида қабул қилинади. Русларни «ўқитиб қўйиш» учун Ойга «парвоз» уюштирилади», деб ёзди Ренэ.

— Вой-эй, мунча майдагап-лик қилаверасиз? Эракк киши деган битта гапирса-да, — эрини силтаб тапплади Махбуба. Табиатан ювош Розикжон хотинининг бундай қайириб ташлашларига кўникиб қолганлиги учун ҳам индамади. Ошхонадан айвонга чиқди. Қизи оёқларини чалиштиригача яппайиб, оромкурсида утирарди. У отаси келатганлигини курс-да «қилт» этмади, узатган оёғини йиғиштиришини ҳам эп курмади. Розикжон ҳам қизининг бундай беэтифотлигини курмагандай, айвондан ўтиб ташқарига чиқди. Қизининг дугонаси эса ҳайрон бўлганча Севарага қараб турарди.

— Ҳа, нега анқайиб қолдинг, — сурди Севара. — Дадамни энди қилишингми? Ҳали келганингда салом берувдинг шекилли, яна ассалом деясан?

— Даданг кириб келсалар ҳам оёғингнни узатиб утирибсан-а! — деб қўйди Солиҳа.

— Йин, нима қилишим керак? «Дадажон, хизматингизга тайерман», деб чест беришим керакми?

— Биз дадам утирган уйга берухсат киролмаймиз-ку...

— Уз дадангми?

— Қизиксан-а... утаймиди бўлмасам!

Икки дугона йўлда отланишди. Ҳовлидаги сурди енбошлаб етган Розикжон «Қасрга кетяпсан?», деб сураб қўймади.

Розикжоннинг иззатини қи-

зи нима учун жойига қўймади экан? Бундай беписандлик, илтифотсизлик ўз-ўзидан пайдо бўлмайди-ку. Ота кириб келса-ю, қиз бола узатган оёғини йиғмасан! Қизи кўчага чиқиб кетса-ю, ота «Ҳа, қаеққа?» демаса. «Сув бошидан лойқалайди» деганларидай, оиладаги муҳит, тағлим-тарбия бошида она аталмиш улуг зот туради. Ота-она иззатини жойига қўймас экан, болалар ҳам шунга қараб иш тутадилар. Махбубахон ҳар икки тапнинг бирида эрини силтаб, қайириб турса, жуфти-халолини менсимаса, болалар ундан албатта «ибрат» олишади-да! Қовун-қовунни қуриб ранг олади. Ҳар қанча аччиқ-тирсик гап бўлса, ҳоли пайтда айтиш мумкин. Ишончим комилки, Севара отасига тик қарайдиган, унинг тапини қайтарадиган, наинки ота, балки умуман эракк зотига ҳам баланддан келиб муомала қиладиган бўлади. Энди, отасининг иззатини жойига қўйишни билмаган қиз келин бўлиб тушган жойида куёв, қайнота, қайноғига қандай муносабатда бўларди, дейсиз? Янги турмуш қўрган ешлар уртасида ажралиш куплиги сабабларидан бири ҳам қизларимизга падали бузруквор аталмиш улуг инсоннинг иззат-ҳурматини жойига қўйишни ургата олмаганлигимизда эмасмикан? Ҳадисларда шундай дейилади: «Отага итоат қилиш Аллоҳга итоат қилишдир. Унга гуноҳ-

кор бўлиш, Аллоҳга гуноҳкор бўлиш билан баробардир».

Қўлимга бир шикоят хатни тутқазипди. Обру-эйтиборли олимларимиздан бирининг рафиқаси езибди. Э, нималар йўқ эди бу хатда! «Рузгорга қарамайди, билгани кутубхона, биронтасини илаштириб олган бўлса керак... ва ҳоказо» Кўп китоб қўрган, камтар, зиёли эканлиги қарашидан маълум олим-а, ҳайрон бўлардим.

Манзилни суриштириб кетдим. Олим истиқомат қиладиган кўчада икки-уч аёл кучогига болаларини олиб мажлис қилиб ўтиришарди. Айниқса, епигина, думалоқ аёл гап бермаётти. Маҳмадониёга куринади.

— Ассалому алайкум, яхшимисизлар? Исмоилов домланинг уйини айтиб бермайсизларми?

— Вой, булар болалари бўлишди, — деди аёллардан бири маҳмадона шериғига ишора қилиб.

— Синглим, сизда озгина ишим бор.

Жувон ҳовли томон бошлади. Биз аста кетарканмиз, қаршимизда домла куринди. Унг қўлтигига пакет қистириб, беш-олти нонни ушлаб олган, чаш қўлида тарвуз-қовун солинган турхалта.

Асли унга пешвоз чиқар деган уйда эдим. Йўқ, аёл умр йўлдошини курмагандай, дарвозани очийшга зўтинди.

— Болангизни ушлаб турай,

домланинг қўлидан юкини оли-нг, — дедим малол келмайдиган оҳангда.

— Ҳа, шунча жойга кутариб келган...

Оиладаги вазиятга баҳо беришим учун шу воқеанинг узи кифоя эди.

Ривоят қилишларича, бир кун Биби Фотима онамиз Расуллулох (С. А. В.)дан сурадилар:

— Ҳазрат, жаннатга аёллардан ким биринчи бўлиб кираркин?

— Қамбар отанинг асли, — деб жавоб қилдилар Расули Акрам. — Ҳа, уша Қурайш қабиласидан бўлмиш чўпон Қамбар отанинг асли жаннатга биринчи бўлиб кирарди.

Биби Фотима онамиз ҳайрон бўлиб, бунинг сабабини билмак учун Қамбар ота хонадонига йўл олдилар. Дарвозани тақиллатиб, узларидан хабар берибдилар: «Жаноби Расуллулохнинг қизлари бўламан».

Аёл эшикни очмай ичкаридан жавоб қайтарибди:

— Эртага келинг, бош эгамдан рухсат сурайин киритишга.

Биби Фотима онамиз эртаси кунни келибдилар. Қурадиларки, аёл салқин айвон қўлиб, офтоб тилида жул савалаётган эмиш. Сабабини сурабдилар.

— Бош эгам эрта-ю-кеч жазирамади қўй боқади, чидайди, мен бирпаслик юмушга ҳам чи-

долмайманми?

Шу пайт подани олдига солиб, Қамбар ота кўча бошида қуришибди. Асли дарҳол бир қўлида нон, бир қўлида гаврон билан умр йўлдошига пешвоз чиқибди. Биби Фотима онамиз сурабдилар:

— Бир қўлингизда нон, бирида гаврон ушлаб турмоғинг сабаби не?

— Одамзот оғир меҳнатдан кейин очқаб, ҳориб, бўғилиб қайтади. Очқаган бўлса нонни олади, бўғилиб турган бўлса, гавронни олиб мени савалайди, тафти ёзилади.

Қамбар отанинг асли дарҳақиқат жаннатга эканлигига Биби Фотима онамиз шу тариқа гувоҳ бўлган эканлар.

Мазкур ривоят ота-оналаримизни, сууюли қизларимизни уйлашга, мулоҳаза юриштишга ундайди, деган умиддаман. Газета саҳифаларида қиз боланинг хос одоб мавзусида кўпни курган кескалар, устозлар, уламолар чиқишларини ташкил этиш жула фойдали ва савобли иш бўларди. Мақолам сунгида яна ҳадислардан келтирмоқчиман: «Агар бирор кишини бирор кишига сажда қилишга буюришим мумкин бўлганда эди, аёлларни эрларига сажда қилишга буюрган булар эдим».

Махфуза УСМОНОВА,
Фаргона

ЎТ БАЛОСИДАН САҚЛАСИН

Тошкент шаҳар ИИББ Ёнгиндан сақлаш бошқармаси Чилонзор тумани ёнгиндан сақлаш ҳарбийлашган бирлашмаси бошлиғи, ички хизмат подполковниги Мирҳомид АГЗАМОВ билан суҳбат

— Ёнгинга кўпроқ нималар сабаб бўлади?

— 1996 йилда шахримизда 3112 та ёнгин содир бўлиб, бунинг натижасида 37.855.392 сўмлик моддий зарар қўрилди. Туманимиз миқёсида оладиган бўлса, утган йили 314 та ёнгин юз берди. Оқибатда, халқимизга 2.360.482 сўмлик зарар етди. Ёнг ачинарлиси, ёнгин туфайли тўрт киши ҳаёт билан видолашди.

1997 йилнинг утган икки ойида эса Чилонзорда 32 та ёнгин бўлди. Шулардан бирида 7 ёшли бола ҳалок бўлди.

Юз бераётган ёнгинларнинг 70-80 фоизи хонадонларга, қолгани корхона ва муассасаларга тўғри келаяпти. Сабаблари таҳлил қилинганда эса болаларни уйда қаровсиз қолдириш, гўрт ва бошқа тез аланга оловчи буюм ва суюқликларни улардан панада сақламаслик, газ учоқлари ҳамда электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш, кўрпача, гилам ёхуд поёндозга сигарета чўчининг тушиши қалбаки кўрпача ҳолатлар намоён бўлади.

— Сўзларингизнинг тасдиғи сифатида бирорта мисол келтирсангиз.

— Шу йил 20 феврал куни туманимизнинг 6-ҳаҳаси, 6-уйдаги 24-хонадонда ёнгин содир бўлди. Бу ҳақда соат 16 дан 11 дақиқа утганда шаҳар ЕСБ алоқа марказига хабар келди. Орадан ун дақиқа утар-утмас бирлашма таркибига кирувчи 15-ХУУҚ-нинг иккита ут учиратиш машинаси ва битта автонаворони воқеа содир бўлган жойга етиб борди. Ички хизмат лейте-

нанти А. Маннопов раҳбарлигидаги ут учирувчилар 4-қават томон отилишди. Эшик қулфлоглик экан. Бузиб киришганда, бугилиб йиғлаётган болаларнинг овози келди. 1990 йилда туғилган Жасур ва 1992 йилда туғилган Хумоюнлар олов қомидан олиб чиқилди. Афсуски, Жасурнинг юзи, оёғи ва қўли қуйган, кўп миқдорда тутун ютган экан. Зудлик билан касалхонага ётқизилса-да, ҳаётга қайтаришнинг иложи бўлмади. «Дунёга келиб, дунё кўрмаган» гудак отасининг эътиборсизлиги, бепарволиги қурбони бўлди. Бундай дейишимга асос бор. Хонадон соҳиби болаларини уйга қамаб, узи 1-қаватдаги қўшнисининг туғилган кунда «оқи»-ю, «қизили»дан отиб, суҳбатни қизитиб утираверган. Қаровсиз қолган болалар эса...

— Ёлгон қақирувлар ҳам бўлиб турадими?

— Афсуски, бундай ҳоллар бўлиб туради. Масалан, утган йили шахримизда мингдан ортқ ёлгон қақирув бўлган. Бу эса анча овозагарчиликларга сабаб бўлди. Ҳам техника овора, ҳам ёқилги беҳуда сарфланган, ёнг ачинарлиси, одамлар асабийлашган.

— «Ўт учирувчилар доим сувсиз келишади», деган ҳангомамо гапга нима дейсиз?

— Тўғриси, шундай саволни кутган эдим. Ут учиратиш машинасига 2 тонна сув сигади. Бу сув эса 3-5 минутга етади. Шунинг учун оловнинг йўлини қирқиб, яъни ёнгиннинг қўшни биноларга, хонадонларга утиши мумкин бўлган қисмига, утни тез аланга оловчи, портловчи моддалар, суюқ-

ликларга ўтказмаслик учун сепилди. Бу вақтда иккинчи машина яқин атрофдаги ҳавза, сув қудуги, юқори босимли қрандан сув етказишни йўлга қўяди. Шу ҳолни қўрганлар эса сиз тилга олган гапни айтиб юришади. Бу мутлақо нотўғри фикр. Машиналаримиз ҳар доим сув билан тула туради.

— Ишларингизда муаммолар ҳам оз эмасдир?

— Иш бор жойда муаммо, камчилик бўлиши табиий. Ойлик маошларимизни, машиналаримиз учун ёқилгини вақтида олиб турибмиз. Лекин эҳтиёт қисмлар, ут учирувчиларнинг махсус кийимлари таъминоти чатоқроқ. Шунинг учун борини эҳтиётлаб, тежаб-тергаб ишлатаёмиз. Ишimizнинг аҳамиятини тушунган айрим ташкилотлар бу борада ҳомийлик ёрдами беришяпти. Уларга раҳмат.

«Водоканал» деган ташкилот бор. У мавжуд сув қудуқларини таъмирлаш, улардан керакли босимда сув оқишини таъминлаш керак. Афсуски, амалда ҳар доим ҳам шундай бўлмаяпти.

Ёнгин чиққанда бу ҳақда «Тез ёрдам» ҳам огоҳлантирилади. Лекин баъзан жабрланганлар бўлса, уларга узимиз биринчи тиббий ёрдам қурсатган, ҳатто ут учиратиш машинасида касалхонага элтган ҳолларимиз бўлиб туради.

— Газетхонларга тилақларингиз.

— Уларни ут балосидан асрасин. Бунинг учун эса электр ва газ иситиш асбобларидан тўғри фойдаланилса, болалар қаровсиз ва ёлғиз қолдирилмаса, тез ёнувчи нарсалар газ учоқлари, электр жиҳозлари яқинида сақланмаса ва бошқа бир қатор хавфсизлик қоидаларига риоя этилса кифоя.

Даврон БЕК суҳбатлашди

қўнишмаяпти. Кўнглим сезяпти, бу норасидаларнинг бераҳм онаси келмаса керак. Сиз шуларга қараб туринг, агар онаси кечгача келмаса, уларни тақдирини ҳал қилиш керак, — деди ва бизни кўрсатиб амакига нималарнидир пичирлаб гапирди-да, автобуга чиқиб кетди.

Адашиб қолган онажоним, биз сизни жуда узоқ кутдик. Кейин бояги амаки иккита милиционерни бошлаб келди. Биз жуда қўрқиб кетдик, сизни қақириб йиғлавердик. Эшитмадингиз-а, онажон? Улар бизни мана шу «Мехрибонлик уйи»га олиб келишди. Мана, ушандан буён шу ердмиз. Адашиб қолган онажоним, балки бизни излаб юргандирсиз, тополмаётгандирсиз? Онажон, биз сизни кутаямиз.

Сурдарё вилоятидаги «Мехрибонлик уйи» тарбияланувчиси Ирода ОРИПОВАнинг мактубини оққа кўчирувчи, Мақсуда МУРОДОВА



МУҲАББАТНИНГ ҚУДРАТИ

Буэнос-Айрес шаҳридаги суд маҳкамаларидан бири футбол юлдузи Диего Марадона устидан қўзғатилган навбатдаги жинойи ишни қўриб чиқиш учун қабул қилди. Бундан етти ойча муқаддам фарзанд қўрган аёл қизининг отаси айнан Марадона эканини зўр бериб таъкидламоқда.

Бу ҳам етмагандай, «юлдуз»нинг маҳаллий наркомафия қироли Гилермо Кополо билан дустона муносабатлари ҳақидаги гап-сузлар ҳам кучайиб бораёпти. «Баъзан узимни улдиргим келиб кетади, — дейди кейинги йилларда бот-бот суд билан рўпара келишга мажбур бўлаётган Марадона. — Лекин қизларимга бўлган муҳаббатим ҳал гал мени бу йўлдан қайтармади».

ҚАМОҚДАГИ ЖОНЗОТЛАР

Италия ҳукумати қамоқда ётган жинойатчиларнинг ҳаётига озолик эпкинларини киритиш мақсадида янгиликка қўл урди. Бундан буён «эск»лар уз ҳужраларида уй ҳайвонларини, асосан мушуклар, қўшлар ва аквариум баликларини сақлашга рухсат этилади. Лекин тимсоҳ, илон, ит каби йиртқичларга қамоқда урин йўқ.

ТЕЛЕФОНДАГИ РЕКЛАМА

Швециядаги телефон компанияларидан бири уз мижозларига янги хизмат турини тақиф этмоқда. Турроғи, мижоз керакли жойга бепул қўнғироқ қилиши мумкин. Фақат сузлашув вақти-вақти билан реклама эълонлари билан узилиб туришга эътирози бўлмаса кифоя. Бу янгилик компания мижозларига ҳам, реклама берувчиларга ҳам маъқул келмоқда. Реклама берувчи ун секундлик эълон учун 6,6 АҚШ центи миқдорида ҳақ тўлайди. Бу нафақат компаниянинг сарф-харажатларини қоплайди, балки даромад ҳам келтиради.

САЁҲАТЧИ ТИМСОҲЧАЛАР

Москвадаги Шереметево-2 халқаро аэропортида божхоначилар томонидан қақирилмаган меҳмонлар ушлаб қолинди. Экваториал Гвинеядан Россияга ташриф бўлган жанобнинг юклари текширилганда 9 та тимсоҳ боласи ва бир нечта маймунчалар чиқди.

ҚАЛЛОБЛАР УШЛАНДИ

Аргентина пойтахти Буэнос-Айрес шаҳри полицияси қалбаки пул ясовчилар гуруҳини қўлга олди. Уларнинг орасида Россия фуқароси, 45 ёшли ҳайкалтарош Рафаэл Оганесян (лақаби Распутин) ҳам бор эди. Қўлга олиш чоғида қаллобларнинг енидан 100 долларлик купюрадаги 2,5 миллион доллар қалбаки пул чиқди. Жаноб «Распутин» ана шу пулнинг бир қисmini Европа мамлакатларига ўтказишни бўйига олган экан.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди

БУЮКЛАР — КЕЛГИНДИЛАР

Француз адиби Жан Берженинг «Тарихдаги ўзга сайёраликлар» номли китоби босмадан чиқди. Берженинг ёзишчи, Европада XVIII асрда аниқ фанлар соҳасида юз берган тараққиётга ўзга сайёраликларнинг дахли бор экан. Тўғриси, уша пайтда физика, математика, биология, химия фанларида оламшумул янгиликлар яратган олимларнинг аксарияти Ерни ватан тутган космик келгиндилардир, — деб ёзади адиб.

«Онажон, онажоним! Сизни жуда-жуда соғиниб кетдик. Қаердасиз, онажон? Синглим ҳар кунни сизни сўрайди, кўпинча тўн ярмида уйғониб, елкамга бошини қўйиб унсиз йиғлайди. Уни овута олмай, узим ҳам қўшилиб йиғлайман. Мана, сизни йўқотиб қўйганимизга бир йил тўлди. Сиз ҳам бизни соғингандирсиз-а, онажон?»

Ҳаммасига уч яшар синглим Зарнигор ва мен айбдормиз. Уша кунни автовокзалда нон олиб беринг, деб хархаша қилмаганимизда йўқолиб қолмаган бўлармидингиз? Бизга нон олиб келаман деб, адашиб

қолдингизми, онажон? Уша кунни изгирин совуқдан оёқ-қўлларимиз музлаб, қоронгу тушгунча узингиз ташлаб кетган жойда айтганингизни қилиб қимирламай утирдик. Сиз кетганингиздан кейин анча вақт утгач, олдимизга битта хотин келиб «совуқ қотиб қолибсизлар-ку, оналарингиз ташлаб кетдим, юринглар мен билан узимга қиз бўласизлар» деди. «Ҳечамда, онам бизга нон олиб келгани кетдилар, ҳозир келиб қоладилар», дедим мен. Кейин уша аёл автобуга билет сотаётган амакини бошлаб яна олдимизга келди.

— Мана бу қизчаларни онаси ташлаб кетганига тўрт соат бўлди. Автобус кечикканлиги учун уларни кузатиб утирувдим, ҳозир автобусим жўнайди, мен билан юринглар, десам

БИЗ НОМУТАНОСИБЛИКНИНГ ҚУРБОНИМИЗМИ?

Нобел мукофотининг совриндори, буюк рус олими И. Мечников инсонни чуқур урганиб, «Биз номутаносиб-ликнинг қурбонимиз», деган узил-кесил хулосага келади. Мушоҳада учун олимнинг асарларидан мисол келтирамиз. Инсон танасини эпид турувчи жунлар ҳайвонлардан фарқи равишда ҳеч қандай фойдасиз ва хунукдир. Аксинча бу жунларнинг илдизчаларидаги халтачаларда микроблар туғла-ниб, чипқонга ўхшаш турли-туман йирингли касалликларга сабаб бўлади. Ақл тишлари ҳам фақат фойдасиз-гина эмас, балки купгина касалликлар манбаидир. Масалан, бу тиш ни-ҳоятда нозик ва чидамсизлиги учун тез емирилиб кетади, унинг атрофида-ги милк яллиғланиши, флегмоналар, ҳатто усмалар пайдо бўлиши мумкин. Йўгон ичак ҳам узининг бутун қис-млари билан инсон учун фойдасиз бў-либ, овқат ҳазм қилинишида ҳеч қан-дай иштирок этмайди, фақат нажасни тушлаш учун хизмат қилади. Йўгон ичакдаги чириган массанинг қайта сўрилиши организмни кучли заҳар-лайди, бу айниқса қабзият маҳали яққол сезилади. Ундан ташқари ичак усмаларининг катта қисми йўгон ичак-ка туғри келади. Аёллардаги простата безининг қолдигидан киста ва усма-лар пайдо бўлиши мумкин. Аёлларда ҳайз қонининг оқиши ҳам фақат ор-ганизмнинг қонсизланишига сабаб бў-лувчи омил ҳолос. Жинсий ҳиссиёт-нинг пайдо бўлиши ва жинсий жиҳат-дан етилишининг орасида ҳам жуда катта номутаносиблик мавжуд. Масал-ан, Данте 9 ғишда Беатрич исмли, Байрон эса 7 ғишда Мэри Дорф исмли аёлни севиб қолишган. Ҳатто бешик-да ётган боланинг ҳам олатининг тара-нглашуви кузатиш мумкин. Бун-

дай болалар ҳали қарама-қарши жинс вакили билан қушилиш имконияти-дан маҳрум. Болада жинсий ҳис-туйгу-нинг шаклланиши ва уни қондириш орасидаги муддатдаги номутаносиб-ликлар боланинг онанизм билан шу-ғулланишига сабаб бўлади.

Мечниковнинг фикрларидан қури-ниб турибдики, демак бизнинг вужу-димиз ва руҳимиз узаро ва ўз-ўзига номутаносибдир, кексайиш ҳам, улим ҳам шунинг орқасидан келиб чиқади. Ҳақиқатан ҳам шундаймикан? Фан-техника тараққий қилган ҳозирги да-врда олимнинг жуда кўп фикрлари нотўғри эканлиги аниқланган. Жум-ладан, Мечников умуман бефойда ва фақат касаллик манбаи деб ҳисобла-ган чувалчангсимон усимтанинг биз-нинг гуморал иммунитетимиз учун аҳамияти бор, у ортиқча деб ҳисоблан-ган йўгон ичак эса купгина фойдали парчаланиш маҳсулотларини сўриш ва витаминлар синтез қиладиган мик-роорганизмларнинг яшаши учун қу-лай муҳит ҳисобланади.

Аллоҳ инсонда ҳеч бир аъзо ва туқимани ортиқча ёки кам қилиб яратмаган, инсон борлиқнинг энг бе-каму-куст, олий мавжудоти. Қуръони Каримда бу ҳақда аниқ-тиниқ қилиб келтирилган: «Аллази холақақа фа-саввақа ва адалақа — Рабб сенинг аъзоларингни чиройли ва муътадил қилиб яратди». Ун саккиз минг олам-ни, етти қат осмону етти қат ерни бекаму-куст яратган, ундаги ҳар бир маҳлуқот ва мавжудотларнинг ризқи-ни таъминлай олган Аллоҳ инсонни — уз халифасини қусурли қилиб яра-тиши мумкинмиди?

Алижон ЗОҲИДИЙ

41 ЁШДА

Аёл уйнинг гули, ҳаёти-миз чироғи. Инчунин инсонда ҳам-ма нарса етарли, бой-бадавлат бўлсану лекин оилавий бахт — кенг уйнинг бекаси бўлмаса бар-часи бекор. Тошкент вилоятининг Чиноз туманида истиқомат қи-ламан. Соғлом бақувват, иқтисо-дий тўла-тўқис, маънавий барка-мол инсонман. Одобли, латофат-ли, уйим-жойим дейдиган қиз (жу-вон) билан танишиб бахтли оила қурмоқчиман

«Оила-472».

Оила

29 ЁШДА

Қадди қомаги келишган, оқила қиз. Қашқадарёлик. Олий маълумотли врач. Ҳозир Тошкентда ўз соҳаси бўйича ишлайди. Аввал тур-муш қурмаган.

29-32 ёшлардаги, олий маълумот-ли, замонавий, дунёқараши кенг, аёл қалбини тушунадиган, унга зарур қў-макчи, суянч бўла оладиган, Тошке-нтда уй-жойи бўлган йигитни умр йўлдошликка излайди.

(Тахририятга мурожаат этувчи-лар, иложи бўлса, сурат ҳам қолди-ришса)

«Оила-473»

мақтубларингизни кутади.

ХИЗМАТИНГИЗГА ШАЙМИЗ!

Азиз муштарий! Инсон ҳаётида туғилган кун, мучал ёши, никоҳ тўйи каби қутлуг саналар борки, бундай пайтда хурсандчилик дўстлар билан баҳам кўрилади. Унутманг: бундай дамларда энг қутилмаган совға «Оила ва жамият» орқали табрикдир.

«Оила ва жамият» сизнинг имкониятларингизни чамалаб кўриб табриклар баҳосини энг арзон нархда белгилади. 1997 йил 1 мартдан бир босма (ҳарф, тиниш) белгининг баҳоси 1 сўм, табрик сурати билан берилса, битта суратнинг баҳоси 125 сўм, хусусий эълон ва билдирувлар — 300 сўм, «Оила» эълони — 250 сўм.

Манзиллмиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 605-хона.

Телефон: 36-56-52, 34-86-91, 33-28-20.

Табриклаймиз!



Ҳурматли дадажонимиз Алиқул БЕРДИҚУЛОВ!

Сизни муборак 45 ёшингиз билан чин қалбимиздан табриклаймиз. Юзингиздан ҳеч қачон табассум аримасин деб,

умр йўлдошингиз Рисолат, фарзандларингиз Гулчиroy, Элмурод, Машраб, Лобар, Чарос ва неварангиз Баҳрулложон

Азиз падари бузрукворимиз Равшан НОРМУРОДОВ!

Сизни 63 баҳорингиз, яъни пайгамбар ёшин-гиз билан самимий табриклаймиз.

Сизга Оллоҳдан боқий умр, сихат-саломатлик тилаб қоламиз. Фарзандларингиз бахтига доимо соғ-омон бўлинг!

ТЭАО 3-курс толиби Тулаган Нормуродов, жиянларингиз.



Севишли фарзандимиз ХУДОЙБЕРДИ!

Сени туғилган кунинг билан мубо-ракбод этамиз. Истагимиз: соғ-саломат вояга етиб, эл суйган ботир углон бўлиб етишгин.

Азизам РАҲНО!

Баҳор айёминг билан чин юракдан табриклайман. Сенга баҳор фаслидек боқий умр, гузал ҳаёт тилайман.

Сизларни самимий қутлаб, даданглар БАХТИЁР.

Қадрли бувижоним Ойтожон

ЮСУПОВА ва энажоним Нисоҳон ТУРДИЕВА!

Муборак баҳор айёмларингиз ва таваллуд топган кунларингиз билан чин юракдан қутлайман. Сизларга узоқ-умр, биз фарзандла-рингиз бахтига доимо соғ бўлиб юришларингизни Оллоҳдан тилаб қоламан.

БАХТИЁР

Ҳурматли падари бузрукворимиз Гайбулла НОРҚУЛОВ!

Биз фарзандларингиз Тожиддин, Норбой, Урозали, Баҳодир ва иккала қизингиз, 24 набаيرانгиз ҳамда барча ёру биродарларингиз Сизни табарруқ 70 ёшингиз билан чин юрак-дан муборакбод этамиз. Сизга чинорлар каби узоқ умр, бардамлик тилаймиз.

Сиз катта ҳаёт йўлини босиб ўтдингиз. Айни навқирон, ёшлик йилларингиз ватани-миз, халқимиз бошига оғир кунлар тушган йилларга туғри келди. Қонли қиргинлардан омон қайтиб, ёш авлодни тарбиялашда бекиёс хизматлар кўрсатдингиз. Аро йилларда қишлоқ хужалиги, чорвачи-лик ривожига улкан ҳисса қўшдингиз, Давр билан ҳамнафас бўлдингиз. Сизни жушқин меҳнатингиз муносиб ҳурмат ва эҳтиромга сазовор будди.

Азиз отамиз Гайбулла НОРҚУЛОВ бошимизда бош бўлиб, хонадонимизни чароғон этиб туришингиздан мамнунмиз. Илоё, узоқ-узоқ йиллар соғ, омон бўлинг. Фарзандла-рингиз роҳат фароғатини кўринг.

Ҳурматли ЮЛДУЗХОН!

Сизни таваллуд кунингиз, баҳор айёмингиз билан қутлаймиз. Юсуфхон билан бахтли бў-либ фарзандларингиз Нодирахон, Бобирхон-ларнинг роҳат-фароғатини кўринглар. Сизга узоқ умр, сихат-саломатлик ишингизда ривож тилаб

Абдувоҳид ВАҲОБОВлар оиласи Тошкент шаҳри.



ТОШБАКА

Бу беозор жониворлар аста-секин ҳаракатланувчи бўлгани учун ҳам судралиб юрувчи ҳайвонлар туркумига мансубдир. У баҳорда ҳаво исий бошлаши билан қишқи уйқудан уйғониб, ер остидан чиқади ва узининг ҳаётини фаолиятини давом эттиришга киришади. Бундан бир неча йиллар муқаддам Қашқадарё вилоятининг ййловларидан бирида апрел ойининг охирида ажиб бир воқеанинг гувоҳи бўлгандик. Эрталабки соат тўққизлар... Майсазорнинг нариги томонидан қасур-қусур овоз келарди. Овоз келган томонга бориб қизиқ воқеанинг гувоҳи бўлдик. Икки тошбақа қосаларининг олди томони билан бир-бирига тўқнашар эди. Тошбақалар жангини илгари курмагандик, қизиқиб томоша қилдик. Анча вақт утгач бу тўқнашувда дадилроқ тошбақа голиб чиқди. У рақибининг оёғини осмонга қаратиб ағдариб, узи томон келаетган иккинчи тошбақага ташланди. Қисқа курашдан сунг унисини ҳам шу ҳолатга келтирди. Сунгра голиб чиққанлигига ишонч ҳосил қилгач, анча нарироқдаги тошбақа олдида бориб, мойиллиги билан унинг

кунглини олишга интила бошлади. Голиб чиққан тошбақага урғочисининг ҳам мойиллиги сезиларди.

Бир пайт нарироқда ҳамон оёғи осмонда бўлиб ётган тошбақани бургут илиб кетди. Қуюндек улжасига таппланган бургутни биз осмонга кутарилаётганда пайқабмиз. У баландга кутарилгач, улжасини тош устига ташлаб юборди ва ўзи ҳам кетидан шунгиди. Бироз дақиқадан сунг уша томонга бориб қарасак, бургут тошбақанинг синган қосаси ичидаги тана аъзоларининг куп қисмини еб бўлган экан...

Купгина ҳолларда мағлубиятга учраган тошбақалар бошқа йиртқич ҳайвонларга шу йўсинда ем бўлади.

Тошбақалар жумҳуриятимизнинг ҳамма вилоятларида учрайди. Улар асосан майса-утлар, усимликларнинг барги билан овқатланади. Майсалар қовжираб қуриб қолгач, қушнча қора кунгиз, чигиртка, қорақуртларни ҳам тановул қилаверади.

Тошбақа қушандалари ҳам табиатда куп. Эчкешар, бўри, тулки, чиябури, бургут ва қузғунлар унинг


Онажоним табиат

қушандаларидир.

Урғочи тошбақалар биттадан то еттигача тухум қуяди ва тухумларини тупроқ қум билан беркитади. Ва бу тухумдан август ойида еш тошбақачалар чиқиб, келгуси кукламгача ер тагига кириб ухлаб етипади.

Тошбақанинг туштини баъзи мамлакатларда энг лаззатли таомлар қаторига қушади...

Асқар ХОЛМУМИНОВ,
табиатшунос олим.



ХАНДАЛАР

Хотин эрига:

— Эсингдами, бундан тўққиз ой муқаддам форел (гулмоҳи) тутаман деб икки ҳафтага таътилга чиққандинг?

Эр:

— Ҳа, эсимда. Нимайди?

— Бутун ушалардан бири кунгирок қилди, ота бўлганмишсан...

— Шаҳрингиз жуда ажойиб экан. Аҳоли сони ҳам тез усаётган бўлса керак?

— Унчаликмас. Битта гудак туғилди деғунча, эркаклардан бири шаҳардан жуфтакни ростлаб қолди.

Муаллим укувчининг ойиси билан суҳбатлашяпти.

— Айтинг-чи, фрау Мюллер, углингиздаги илмга бу қадар қанқоқлик унга кимдан утганикин?

— Билимлар мендан, — мағрур жавоб қилди фрау Мюллер, — қанқоқлик эса даламдан.

Унчалик машҳур бўлмаган америкалик ёзувчи Тед Зисонинг биринчи китоби сира сотилавермагач, у газетага шундай эълон берибди:

«Мултимиллионер «Гузэл Амазонка»даги Луизага ухшаш қизга уйланмоқчи».

Орадан уч кун утгач, китоб талаш бўлиб кетибди.

Гулдуқониди.

— Хотинимга... юз дона атиргул танлаб берсангиз.

Сотувчи:

— Вой улмасам, яна нималар қилиб қуйдингиз?..

— Герр Вернер, бизиқига меҳмон келувди, далам пиша очқичини бериб турсин, деди.

— Шунақами, жуда соҳ! Сен кетавер, очқичини ҳозир узим олиб бораман.

Бир аёл дутонасига ҳасрат қилди.

— Эримни ҳечам тартибга ургатолмадим-ургатолмадим-да.

— Нима буляпти узи?

— Ҳамсини доим янги жойга бекитиб қуяди...

— Нега йиллаётганимни биласанми, деди аёл турмуш уртоғига, кўз ёшларини артиб.

— Айта қолайми?

— Йук, йук, менда

шунча пул нима қилади!

Шотландиялик нон дуконига кириб келди.

— Иккита батон беринг, — деди у сотувчига.

— Марҳамат. Лескин бутундан нархи ошиб қолди.

— Шунақа денг. Ундай бўлса, кечтагисидан бера қолинг.

Машҳур ёзувчининг қушниси унга деди:

— Мен ҳам Нобель мукофоти олсам, дегандим.

— Ундай бўлса, ёзинг, — деди унга ёзувчи.

— Яхши, лекин кимга ёзаман?

Полициячи қайфи ошиб қолган икки шотландияликни тўхтатди.

— Учинчи шерикларинг қани? — сурлади у.

— Қанақа учинчи?

— Сизларга ким пул тулаган, ушани айтияман.

— Сиз фонограммага қараб қуйларкансиз, шундайми? — сурашибди таниқли эстрада қушиқчисидан.

— Ҳа, тугри, — дебди қушиқчи.

— Агар яримта опкелсангиз, унга қараб уйинга ҳам тушиб бераман.


Узоқ йил қуришмаган дутоналар суҳбатидан.

— Эринг кечаси билан келмай қолган пайтлар ҳам бўлганми?

— Ҳа, бўлган. Бундан олти йил муқаддам. Лекин ҳадемай қайтиб келиб қолса керак...

Немис тилидан

Мирзаали АҚБАРОВ таржимаси



Келгиндилар: — Уртоқ милиционер, тарелкамизни ўғирлашибди...

Сўнгги устун

ЮГУРИШНИНГ ҲОИДАСИ ЁКИ...

1648 йилда Кариб денгизидagi Сен-Мартен оролига голландияликлар ва французлар бир вақтда қадам ранжида қилишади. Улар оролни уруш-жанжал, қон туқишларсиз бўлишиб олишга келишиб, югуриш мусобақаси ўтказишади. Маррага биринчи бўлиб франциялик югурувчи етиб келади, шу сабабли французлар оролнинг узларига маъқул қисмини танлаб олишади.

Мюнхен шаҳрида ўтказилган маррафонлардан бирида 16 яшар Грюнер голиб чиқади. Маррага иккинчи бўлиб эса унинг 46 ёшли онаси етиб келади.

Парижда эса ресторонлар официантлари уртасида мусобақа ўтказиб турилади. Официантлар қўлларидан бир шиша шампан виноси ва фужерлар бўлган патиссия кутарган қўйи марра сари интиладилар.

Парижликларнинг сеvimли мусобақаларидан яна бири эса «Божоле» югуриш мусобақасидир. Унинг шундай номланишига сабаб бор. 10 километрик масофада 42 та бистро-назорат пункти булади. Югурувчи ана шу пунктларнинг ҳар бирида бир стакан «Божоле» виноси сипқориши шарт. Мусобақа қатнашчиларининг маррага қай аҳволда етиб келишларини бир тасаввур қилинг-а.

Ҳиндистонлик талаба Арвино Панди 1400 километр масофани орқа билан югуриб ўтди. Бунинг учун унга 29 куну 5,5 соат керак бўлди.

Испания фуқароси Хосе Гонсалес 42195 метрик маррафон масофасини умбалок ошиб босиб ўтиш ниятига зур бериб машқ қилаяпти.

АҚШнинг Сан-Франциско шаҳрида ҳар йили бир яшар болаларнинг югуриш мусобақаси бўлиб ўтади.

Уолл-Стритдаги биржаларнинг маклер ва клерклари уртасида 4,01 километрга югуриш мусобақаси ўтказилди. Нега айнан 4,01 деган савод туғилиши тайин. 401К — солиқ декларациясининг индекси. Мусобақа декларация тақдим этишининг навбатдаги муллоти тугагач бўлиб ўтди ва голиблар солиқ ҳамда жарималар тулашдан озод этилди.

Муассисларимиз:

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ХОТИН-КИЗЛАР
ҚУМИТАСИ, БОЛАЛАР
ЖАМҒАРМАСИ ВА
«СОҒЛОМ АВЛОД
УЧУН» ХАЛҚАРО
ХАЙРИЯ
ЖАМҒАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР: Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Газетамиз бош ҳомийси:
Ўзбекистон «Матбуот тарқатиш
ушмаси» ассоциацияси

МАНЗИЛИМИЗ:

700083, Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй.

Телефон: 33-28-20, 36-56-52, 34-86-91
Даврон БЕК
навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0168 23837 нусхада чоп
этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табок.